«Худоёрхон (Кўкон хони) хижрий 1292 йили шошилинч холда ўттизта казакдан иборат рус отряди химоясида Тошкентга кетишга мажбур бўлди… Кўкон шахридан Худоёрхон хотин, бола-чакаларини олиб, хизматкорлари билан олтин, кумуш, лаъл, жавохирлар тўла сандикларни ортиб, Хўжанд оркали чикиб кетди. Шахардан саккиз чакирим юрилгач, хон хамрохларига дам беради. Шунда унинг 1000 пиёда, 2000 сипохи, 68 замбараги бор эди. Танаффусдан сўнг йўлга чикилганида канотида 500 сипохи колган, бошкалари эса хонни ташлаб кетганди. Кейинрок сандикдаги бойликлар хам изсиз йўколди» («Таснифи Гариб» кўлёзма китоби, шахсий кутубхона).

Бухоро амири хазинасида у тахтдан кетиши олдидан куйидаги бойликлар бўлган: 1 миллион 148 минг 380 дона Бухоро тилласи, 4 миллион 365 минг дона рус тилласи, 17 тонна 728 кило ёмби холатидаги Гамбург тилласи, 45 тонна 494 кило Гамбург ёмби кумуши, 22 тоннадан зиёд рус кумуш тангалари ва жами 34 номдаги бошка кимматбахо буюмлар рўйхатга олинган. Уларнинг умумий киймати 73 миллион 252 минг сўмдан ошган. Бунга амир ва унинг оиласига тегишли 3 миллион 300 минг сўмликдан ортик кимматбахо такинчоклар ва инжу-марваридлар кирмаган (Бу пулларнинг канчалигини билиш учун солиштириб кўринг: ўша пайтда бир пуд (16 кило) ун – 95 тийин, бир пуд писта – 35 тийин, шунча бодом – 70 тийин, бир бош семиз кўй 2 сўм бўлган). Ана шунча бойликнинг такдири ханузгача маълум эмас (Х. Узоков, С. Холбоев, «Бухоро амирининг олтинлари», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 йил).

«Ўзбеклар иши»ни ташкил этиб амалга оширган Т. Х. Гдлян ва Н. В. Иванов каби терговчилар юкори мартабали шахслар ва уларнинг оила аъзоларидан тортиб олган, мусодара килган бойликлар 40 миллион сўмликдан ошик эди. Бундан ташкари бошка терговчилар ва хукук органлари томонидан мусодара килинган пул ва бойликлар 100 миллион сўмга етган эди. Ана шу миллион-миллион пуллар, олтин, заргарлик буюмлари, кимматбахо магнитафон, соат каби буюмлар, заём облигатсияларининг бари Москвага олиб кетилди ёки нопок терговчилар томонидан гумдон килиниб, ўзлаштирилди (Изох: тўксонинчи йиллар бошида ВАЗ-2106 маркали «Жигули» автомобили 8 минг сўм турарди) (В. Илюхин, «Кабохат ёхуд…», Тошкент, 1993 йил).

Бизнинг изох: катта пул-бойлик хеч качон вафо килмаслигини билса хам одам боласи уни йигиб-босаверар экан-да!